



## Абул Ҳусайн Ал-Қудурий – Ҳанафий Фикҳи Ҳимоячиси Абул Хусейн Аль-Қудури - Защитник Ханафского Фикха Abul Hussein Al-Quduri - Protector Of Hanafi Fiqh

Нодирбек Кабилович Турабоев,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
таянч докторанти ntoraboyev79@mail.ru

### ABSTRACT

Фикҳий мазҳаблар шаклланаётган даврдан то ҳозирга қадар улар ўртасида ўзларининг асосли эканлиги борасида баҳслар бўлиб келган. Бу икки хил кўринишида бўлган. Турли мазҳаб олимлари юзма-юз қилган амалий мунозаралари ва китобларда бир-бирининг фатволарига ёзма, яъни, назарий раддиялар кўринишидадир. Мақолада тилга олинган алломанинг ҳам амалий, ҳам назарий услуб билан баҳслар қилиб юқори натижалар қилганлиги ёритилган.

Со времени образования школ правоведения и до настоящего времени среди них ведутся споры об их обоснованности. Такие дискуссии были в двух разных проявлениях. То есть в виде практических дискуссиях, а также письменных опровержений фетв в книгах ученых различных школ. В статье описано, что упомянутый ученый добился высоких результатов как в практических, так и теоретических дискуссиях.

From the time of the formation of the schools of jurisprudence until now, there have been debates among them about their validity. It was in two different appearances. It is in the form of written, that is, theoretical, rebuttals to each other's fatwas in the practical discussions and books that scholars of different sects face. The article says that the scholar mentioned has achieved high results by debating both practical and theoretical methods.

Маълумки, фикҳий масалаларни баён қилиш, айниқса, уларнинг далиллар ва қоидалар асосида таржих қилиб бериш, яъни, бошқа мазҳаб ва фирқаларнинг фатволаридан қувватли эканлигини исботлаб бериш мазҳаб учун ҳамиша аҳамиятли бўлиб келган. Абулхусайн ал-Қудурий X-XI асрларда яшаб ижод қилган. Аббосийлар пойтахти бўлган Бағдод бу даврда мадрасалар, кутубхоналар, илмий ҳалқалар ва баҳс-мунозаралар ривожланган марказ бўлган. Ислом илмлари турли соҳаларга бўлиниб ўзининг юксак чўққисига етди. Айниқса, фикҳ илмларида жуда кўп ишлар қилинди. Айниқса, Халифаликнинг маркази бўлган Бағдод ўзида кўплаб турли фикҳий мактабларни жамлаган эди. Улар ўртасида баҳс-мунозаралар бўлиб турар эди. Бу эса уларнинг янада мукамал бўлиб бориша замин яратди. Шу аснода, мазҳаблар тўлиқ шаклланиб унинг асоси бўлган асарлар яратилди. Бу даврда илм марказлари бир-икки шаҳардагина эмас, балки бутун халифаликка тегишли ҳудудларда ёйилди. Кейинчалик эса тақлид тўрт мўътабар имомга бўлиши кераклиги чегара бўлиб

### ARTICLE INFO

Received: 1<sup>st</sup> May 2022

Revised: 1<sup>st</sup> June 2022

Accepted: 6<sup>th</sup> July 2022

**KEY WORDS:** *фиқҳ, мунозара, баҳс, мазҳаб, раддия, хилоф, ихтилоф, усул ал-фиқҳ, таржих*  
фиқҳ, дебати, дискуссия, мазҳаби, отрицание, рознь, разногласие, усул ал-фиқҳ, перевод  
fiqh, debate, debate, sect, denial, discrepancy, disagreement, usul al-fiqh, translation

қолди. Одамлар уларга кўп ишонганлари учун, бошқаларни кўйиб, айнан тўртовларига таклид қилишни ихтиёр қилдилар. Машхур ва маълум тўрт фикҳий мазҳаб Ислом миллати учун асл бўлиб қолди. Хилоф ҳам айнан шу тўрт мазҳабга эргашувчилар орасида бўлади. Ана шу мазҳабларни тутганлар ўз имомининг гапини қўллаш учун бошқалар билан мунозаралар қиладиган бўлди. Улардан ҳар бири ўз мазҳабининг чиқарган ҳукми тўғри эканини тасдиқлаш учун ҳужжат-далиллар келтиради.[1.Б.170]

Шу вақт оралиғида имом ал-Қудурий Бағдодда тарбия топиб шаклланди. Ўша даврда ҳанафий ва шофеъий олимлар орасида тез-тез баҳс-мунозаралар ўтказиб турилар эди. Чунки, ҳанафийлар ва шофеъийлар умумий ҳудудларда яшарди ва кўп ҳолатларда ўзаро ихтилофли масалаларда мунозаралар бўларди. Бу нарса ўша давр учун табиий ва тўғри қабул қилинадиган ҳолат эди. Чунки бу ихтилофлар эътиқод мавзуси билан боғлиқ эмасди. Ҳанафийларнинг айнан шофеъийлар билан мунозараларнинг кўп бўлишининг сабаби бу икки мазҳаб одатда ёнма-ён ва умумий ҳудудларда ривожланган эди. Имом Қудурийнинг илмий фаолияти билан боғлиқ воқеалардан бири шуки, у шундай баҳсларда ҳанафий мазҳаби тарафида туриб катта ютуқларга эришган ва юқори даражада эътироф этилган. Мазҳаблар ўртасидаги мунозар фанда “хилоф” илми деб аталади. Хилоф олими мунозарали мавзу бўйича муҳолиф томоннинг барча далил ва ҳужжатларини эшитгандан кейин масалаларни қиёсий услубда ўрганади. Унинг далилларини асосий усул-қоидаларга таянган ҳолда текширгандан сўнг уларнинг асоссизлигини кўрсатиб бериб, ўз мазҳабида чиқарилган ҳукмнинг тўғрилигини исботлайди. Айни ҳолда ўз мазҳабига қаратилган шак-шубҳани талқин этади. Ушбу фан соҳаси кўпроқ назарий аҳамиятга эга бўлгани боис унга назар илми ҳам деб аталади.

Бу илмий жараённинг ҳаракатлантурувчи кучи диний-сиёсий мазҳабларнинг кўплиги билан боғлиқ бўлиб, шиалар, исмоилийлар, мўътазилийлар ва қарматийлар шулар жумласидандир. Ўша давр уламолари китоблар ёзиш ва мунозаралар орқали ўз мазҳабларини қувватлашга интилар, натижада, шу мазҳабчиликка мансуб бўлган сиёсий кучлар томонидан ҳадяларга ҳам сазовор бўлардилар. Шунингдек, диний мазҳаблар ҳамда фақиҳларнинг ўз мазҳабларини бошқалардан афзаллигини кўрсатишга бўлган ҳаракатлари фикҳ илмининг ривожига сабаб бўлди.[2.Б.16]

X-XI асрларда Ироқда кўплаб фақиҳлар етишиб чиқди. Бу давр мазҳабларнинг такомиллашётган даври бўлиб, ҳар бир фикҳий мазҳаб ўзининг фуруўул фикҳ ва усулул фикҳ йўналишидаги энг саҳиҳ асарларини ярата бошлади. Шунингдек, мазҳаблараро баҳс-мунозаралар ҳам бўлиб турган. Бунда ҳар бир олим ўзининг қарашларини асосли эканлигини исботлашга ҳаракат қилар эди. Мукамал фикҳий асарлари билан ҳамда бошқа мазҳаб олимлари билан амалий баҳс-мунозараларда ҳам етакчилик қилган олимлар етишиб чиқди. Улар кўплаб шогирдлар етиштириб чиқарганлари билан ҳам ажралиб турар эди. Бундай шахслар ўз даврининг муайян мазҳабдаги етакчилари ҳисобланар эдилар. Ҳамма биографлар яқдиллик билан имом ал-Қудурийни ўз даврининг ҳанафийлари етакчиси бўлганлигига эътироф этадилар. Шогирди ал-Ҳатиб ал-Бағдодий у ҳақда шундай ёзади: “У кам ҳадис ривоят қилган ва мен уларни ундан ёзиб олганман. У сиқо (ишончли, ростгўй) одам эди ва фикҳдаги даражасига ўзининг заковати сабабидан эришган. Ироқда Абу Ҳанифа издошларининг етакчилиси бўлди. Уларнинг наздида улуғ инсон ва мартабаси юқори эди”. [3.Б.377] Бундан кўринадики, имом фикҳдан ташқари, ҳадис илмида ҳам моҳир бўлган.

Имом ал-Қудурий ўз замонасида мазҳабининг фуқаҳолари орасида ёрқин мартабага етдики, ҳаттоки, ҳанафийликдаги қадрининг улуғлиги ва обрўсининг баландлигидан Хофиз Хатиб ал-Бағдодий шундай дейди: “Ироқда Абу Ҳанифа мазҳаби раҳбарлиги унга ўтди”. Абу Исҳоқ аш-Шеъротий айтади: “Абулхусайн ал-Бағдодий у ал-Қудурий номи билан танилган бўлиб, асримизнинг Абу Ҳанифа мазҳаби имоми бўлди”. Ибн Касир деди: “Моҳир имом ва мунозара қилишда асосли эди... ва ёд олиннадиган “Мухтасар” нинг соҳибидир”. [4]

“Ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақотил ҳанафийя” асарида имом Ал-Қудурий ҳақида шундай дейди: “Муборак Мухтасар” нинг соҳиби, у “Ал-хидоя” ва “Ал-хулоса” да такрор-такрор зикр қилинган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Яҳё Ал-Журжоний ҳузурда фақиҳ бўлган. Фақиҳ Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад унинг ҳузурда фикҳ ўрганди ва унинг “Мухтасар” ини шарҳлади. Муҳаммад ибн Али ибн Сувайд Ал-Муаддидан ва Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Ал-Ҳавшабийдан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса қозий куззот Абу Абдуллоҳ Ад-Домағоний ва Ал-Хатиблар ҳадис

ривоят қилишган. Айтади: ундан ёзиб олдим, у самимий киши эди ва жуда оз ривоят қилган. У фикҳда ақл-заковати билан туғилганлардан эди, Ироқда Абу Ҳанифанинг асҳобларига раислик қилиш унга ўтган эди, унинг ҳузурида фикҳнинг кадри улуғ ва обрўси юқори бўлди. Мунозарада иборалари чиройли, тили бурро ва Қуръон тиловатида доим эди. Ас-Ассамъоний деди: у фақиҳ ва рогъй инсон эди. Аллоҳ у билан бандаларни беҳисоб неъматлантирган машҳур “Мухтасар” ни тасниф қилган, “Мухтасарул Кархий” га шарҳ ёзди. Етти китобдан иборат бўлган “Ат-тажрид” ни ёзди. Бу китоб асҳобларимиз ва шофеъилар орасидаги ихтиофли масалаларни ўз ичига олган. Уни ёзишга тўрт юз бешинчи санада киришган. Унинг яна “Ат-такриб” деган бир мужаллад ва “Масоилул хилоф байна асҳобина” деган бир мужаллад китоблари ҳам бор”. [5.Б.247-250] Юқорида “иборалари чиройли” деганда Абулхусайн ал-Қудурий мунозара вақтида суҳбатдошини қалбига озор бермаслик учун ҳушмуомалалик билан баҳс қилганини билишимиз мумкин. Гарчи, усулул фикҳ соҳасида китоб таълиф қилмаган бўлсаларда, мунозарада ўз далилларини келтириб берганда усул қоидаларидан кенг фойдаланганини билишимиз мумкин. Чунки қоида ишлатмай туриб далилнинг қувватини исботлаб бўлмайди. Шунинг учун Қудурий усул илмида амалий жиҳатдан моҳир бўлган дея оламиз.

Имом ал-Қудурийнинг ўз даври забардаст ҳанафий уламоларидан бўлганлигини яна шу нарсада билиш мумкинки, у бошқа мазҳаблар билан ихтилоф қилган масалаларни чуқур ўрганди. Далилларни қиёслаб ҳанафий мазҳабининг далилларининг сиҳҳати ва афзалликларини исботлаб берди. Манбаларда келишича, айниқса, шофеъийларнинг катта уламоларидан Абу Тоййиб ат-Тобарий ва Абу Ҳомид ал-Исфарионий каби шофеъий олимлар Имом ал-Қудурий билан мунозара олиб боришган. Сўнгида эса Имом ал-Қудурий юқори даражада эътироф этилган.[6] Ҳаттоки, бу мавзу бўйича “Ат-тажрид” деб номланган китоб ҳам таълиф этди. Бу асарнинг қиммати шундаки, ҳанафий ва шофеъилар ихтилоф қилган масаларни жамлаб, далилларини келтириб ҳанафийлар далилларини таржиҳ қилиб чиққан.

Абул Ҳусайн ал-Қудурий ўзининг “Мухтасар” асари орқали машҳур бўлган бўлса-да, у яна кўплаб фикҳ соҳасида китоблар ёзди. Шунингдек, унинг ҳанафий фикҳининг ривожига энг катта ҳиссаларидан бири амалий мунозараларда бу мазҳабнинг йўли тўғри эканлигини исботлаб катта ютуқларга эришганлигидир. Бошқа мазҳаб олимлари билан олиб борган баҳсларда уларни ҳурматини сақлаган ҳолда муомала қилиши билан эса ҳаммага ўрнатилган бўлди. Айни даврда ҳам бундай мунозаралар тез-тез юзага келиб туради. Алломанинг услубига кўра баҳс қилиш орқали ўртадаги ҳурматсизлик ва мазҳабларга етказилаётган таъналарга ҳам барҳам бериш мумкин. Унинг ҳам амалий ҳам назарий илмий йўли биз учун катта сабоқдир.

#### Адабиётлар Рўйхати:

1. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, “Фикҳий йўналишлар ва китоблар”, 2011, Тошкент, “Шарқ” –Б 170
2. Аҳмедов Бурхон Абдурахмонович, Абу Бақр Жассос “Аҳком ал-Қуръон” тафсирининг ҳанафий мазҳаби ривожига аҳамияти, Диссертация, Тошкент, 2019 й, Б.16
3. Хатиб Бағдодий, “Тарих Бағдод” Байрут, Дорул кутубул илмийя, -Ж 4, -377б.
4. Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музий. Мухтасарул Қудурийнинг ҳанафий фикҳидаги ўрни. Dr Muhammad Hamidullah Library, IIU, Islamabad. <http://iri.iiu.edu.pk/>
5. Абдулқодир ибн Муҳаммад ал-Қураший “ал-Жавоҳир ал-Музийя фи табақотил ҳанафийя”, Абдулфаттоҳ Муҳаммад Ал-Ҳулув таҳқиқи, “Ҳажр”, Қоҳира, 1413 ҳ. 1-жуз. 247-250 б.
6. Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музий. Мухтасарул Қудурийнинг ҳанафий фикҳидаги ўрни. Dr Muhammad Hamidullah Library, IIU, Islamabad. <http://iri.iiu.edu.pk/>